



**MAKTABGACHA
VA MAKTAB
TA'LIMI VAZIRLIGI**

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг
Маъмурий бошқарув дастури

2025-йил

Маъмурий бошқарув дастури

МУНДАРИЖА

1.	Бюджет дастури паспорти	1-9
2.	Бюджет дастури орқали ҳал қилинадиган муаммолар тавсифи	10
3.	Бюджет дастурининг мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижалари	11
4.	Бюджет дастурининг қуйи дастур ва тадбирларининг тавсифи, шунингдек, уларни амалга ошириш муддатлари	12-14
5.	Ресурсларга бўлган талабларнинг батафсил ҳисоб-китоби ва Бюджет дастурини молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини таъминлаш учун таклиф этилаётган дастур тадбирларининг рўйхати ва тавсифи	15
6.	Бюджет дастури ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси	16
7.	Бюджет дастурини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ташқи омилларни тавсифлаш	17

Маъмурий бошқарув дастури ПАСПОРТИ

Маблағ тақсимловчи орган номи:	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Масъул шахс (администратор)	Ж.А.Шамшиев
Бюджет дастурини тасдиқловчи раҳбар:	Э.Г.Каримова	Ижрочилар:	К.Бектурдиев, О.Рахматиллаев, И.Шарипов, Ш.Джўрабоев, А.Абдулхаев, Д.Собирова, Ф.Жамуратова, Ш.Мамадияров, О.Ҳошимов, Ж.Мусурмонов, С.Махмаев, И.Холикулов, Ф.Келдибеков, Ҳ.Рахимбаева, А.Камалов, И.Холдарова, Р.Тўраев,
Тасдиқлаш санаси:	— ——— 2025-йил	Асос:	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29-апрелдаги ПФ-5712-сон Фармони; 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони; 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 19-мартдаги ПФ-51-сон Фармони.

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
1.	Дастур номи	Маъмурий бошқарув дастури
2.	Дастур мақсади ва вазифалари	Дастурнинг мақсади: Вазирлик бошқарув тизими фаолиятини тартибга солиш, самарадорлигини ошириш, натижадорликка эришиш учун амалга ошириладиган механизмларни такомиллаштириб бориш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкилий жиҳатдан тизимли таъминлаш. Дастурнинг вазифалари:

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
		• маъмурий бошқарувни амалга оширишда тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда самарали ташкил этишни таъминлаш; • вазирлик фаолиятини ташкилий ва ахборот- таҳлилий жиҳатдан таъминлаш, марказий аппарат таркибий тузилмалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари, вазирлик ҳайъатининг қарорлари, бошқа ички идоравий ҳужжатлар, раҳбарият топшириқларининг ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш; • вазирлик фаолияти бўйича маълумот ва ҳисоботларни тезкор йиғиш, таҳлил қилиш ҳамда шакллантириш; • вазирликка келишиш учун келиб тушаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мониторингини олиб бориш; • вазирликдан чиқувчи ҳужжатларнинг давлат тили қоидалари асосида тайёрланишини мувофиқлаштириш; • вазирликда ходимлар билан ишлаш сиёсатини юритиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаган ҳолда кадрларни танлаш, уларнинг шахсий ва статистик ҳисобини юритиш ҳамда малакасини талаб даражасида ошириш, ўқитиш ҳамда қайта ўқитиб бориш; • вазирликнинг хўжалик фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий ва техник таъминотни амалга оширишни таъминлаш; • вазирлик ва унинг таркибидаги тузилмалар фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш; • вазирлик фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
		ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, матбуот анжуманлари, брифинглар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш; • вазирлик фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, ишлаб чиқиладиган ҳамда қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, буйруқлар ва юридик тусга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқ бўлишини таъминлаш, шартномавий-ҳуқуқий ишларни юритиш, вазирлик мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш; • вазирлик фаолиятида Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таҳлил қилиш ва баҳолаш, Бюджет ҳисобининг юритилиши ҳамда молиявий ҳисоботлар шакллантирилишини ўрганиш орқали Бюджет интизомини мустаҳкамлаш; • тизим фаолиятида масофавий аудитни қўллаган ҳолда, Бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш, минималлаштириш; • Жаҳон банки гуруҳи, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш,
3.	Дастур муддати.	2026–2028-йй.
4.	Қуйи дастурлар ва/ёки тадбирлар номи.	Дастурнинг қуйи дастур ва тадбирлар номи: 1-қуйи дастур: Раҳбарият ва умумий бошқарув. 1.1-тадбир: Вазир ва раҳбарият фаолиятини мувофиқлаштириш, топириқлар ижроси ва хизмат ёзишмалари; 1.2-тадбир: Идоралараро мувофиқлашув, моддий-техник

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
		таъминот ва ташкилий ишлар; 1.3-тадбир: Хўжжасат айланмасини юритиш ва архивлаш. 2-қўйи дастур: Вазир котибияти. 2.1-тадбир Протокол бўлими; 2.2-тадбир Ахборот-таҳлил ва ижро интизоми; 2.3-тадбир Девонхона хизмати; 2.3-тадбир Мурожаатлар бошқармаси. 3-қўйи дастур: Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш. 3.1-тадбир: Кадрларни саралаш; 3.2-тадбир: Кадрларни ҳисобга олиш; 3.3-тадбир: Кадрлар малакасини ошириш. 4-қўйи дастур: Хўжалик ишларини юритиш 4.1-тадбир: Вазирликнинг хўжалик фаолиятини ташқил этиш ҳамда моддий ва техник таъминотни амалга ошириш; 4.2-тадбир: Вазирлик вазифа ва функцияларини бажаришида таркибий тузилмаларга яқиндан ёрдам бериш. 5-қўйи дастур: Коррупсияга қарши курашиш ва комплаенс назорат 5.1-тадбир: Вазирлик ва тизим ташкилотларида коррупсияга қарши курашиш ва комплаенс назоратини амалга ошириш ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш. 6-қўйи дастур: Ахборот хизмати. 6.1-тадбир: Жамоатчилик билан ишлаш, ОАВ орқали фаолиятни ёритиш. 7-қўйи дастур: Юридик хизмат. 7.1-тадбир: Ҳуқуқий таъминот; 7.2-тадбир: Суд ва судгача бўлган даъволарни юритиш ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар. 8-қўйи дастур: Ички аудит хизмати. 8.1-тадбир: Вазирлик ва тизим ташкилотларида ички аудит фаолиятини амалга ошириш;

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
		8.2-тадбир: Вазирлик ва тизим ташкилотларида масофавий аудитни қўллаган ҳолда, Бюджет маблағларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш хавфларини аниқлаш ҳамда Бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатлари профилактикасини амалга ошириш. 8.3-тадбир: Вазирликнинг Бюджет дастурлари, шунингдек, мақсадли индикаторлари самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; 8.4-тадбир: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ички аудит ва молиявий назорат бўлимлари. 9-қуйи дастур: Биринчи бўлим. 9.1-тадбир: Махсус ҳужжатларни юритилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш. 10-қуйи дастури: Халқаро алоқалар. 10.1-тадбир: Хорижий давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш; 10.2-тадбир: Халқаро рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон ўрнини яхшилаш. 11-қуйи дастур: Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот. 11.1-тадбир Ходимларга ойлик иш ҳаққи ҳисоблаш; 11.2-тадбир Ҳисоботларни топшириш. 11.3-тадбир Ўзбекистон “Ёшлик” Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ходимларини иш ҳақи миқдорларини ошириш 12-қуйи дастур: Стратегик ривожлантириш, халқаро рейтинглар ва жаҳон савдо ташкилоти масалалари билан ишлаш. 12.1-тадбир: Халқаро рейтинглар ва жаҳон савдо ташкилоти масалалари билан ишлаш.

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
		13-қуйи дастур: Маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар ва мактабдан ташқари таълим. 13.1-тадбир: Мактабдан ташқари таълимни таъкил этиши; 13.2-тадбир: Инклюзив таълим ва меҳрли мактаб фаолиятини мувофиқлаштириши; 13.3-тадбир: Экологик дипломатия; 13.4-тадбир: Газета ва журналлар; 13.5-тадбир: “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти; 13.5-тадбир: “Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар ишлаб чиқиши ва оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси; 14-қуйи дастур: Педагогик маҳорат марказлари мавжуд биносини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш. 14.1-тадбир: Биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш; 14.2-тадбир: Мактабгача ва мактаб таълими таъкилотларида қўл ювиш жойларини зарур санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш ҳамда санитария-гигиена хоналарининг техник ҳолатини яхшилаш.
5.	Дастурнинг якуний ва бевосита мақсадли кўрсаткичлари.	Якуний натижа кўрсаткичи: • коррупсияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рейтинг тизимида вазирликнинг кўрсаткичи; • рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳолаш тизимида (nis.egov.uz) вазирлик кўрсаткичи; Бевосита натижа кўрсаткичи: Очиқлик индексида (index.aca.uz) вазирликнинг кўрсаткичи; Тасдиқланган ички аудит йиллик режаси бажарилиши.

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
6.	Дастурни амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ташқи омиллар.	Дастурни амалга оширишга қуйидаги омиллар таъсир қилиши мумкин: • ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқацизлиги сабабли юклатилган вазифа ва функцияларини бажара олмаслиги; • ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилганлиги, шунингдек, суднинг қарори асосида ишдан четлатилиб турилганда ходим таътиллار жадвали бўйича меҳнат таътилига чиқа олмаслиги; • кадрлар малакасини оширишга ходимни меҳнатга лаёқацизлик даврида ёки хизмат сафарида бўлиши каби омиллар тўсқинлик қилиши; • вазирлик ходимлари иш фаолиятларини тўлиқ олиб боришлари учун фавқулодда ҳолатларнинг содир бўлиши; • қонунчиликдаги ўзгаришлар; • ташқи геосиёсий ноаниқ ҳолатларнинг вужудга келиши ва ташқи сиёсатда кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар.
7.	Келгуси 3 йил давомидаги дастур бюджети.	Келгуси 2026–2028-й.й. 2026-йил – 1 732 638,4 млн сўм; 2027-йил – 1 905 902,2 млн сўм; 2028-йил – 2 096 492,4 млн сўм.
8.	Молиялаштириш манбаи ва суммаси (3 йиллик).	Молиялаштириш манбаси: ЖАМИ 2026–2028-йй. – 5 735 033,0 млн сўм

БЮДЖЕТ ДАСТУРИНИНГ ТАВСИФИ

I. Маъмурий бошқарув дастури орқали ҳал қилинадиган муаммолар тавсифи.

Ушбу маъмурий бошқарув дастури вазирликда самарадорлик ва сифатни ошириш орқали соҳасида ягона давлат сиёсатини юритади ҳамда вазирликка юклатилган мақсадларни амалга оширади.

Жумладан:

маъмурий бошқарувни амалга оширишда тузилмаларнинг фаолиятини ўзаро келишилмаган тарзда, самарасиз олиб борилишини, масъулияцизликка йўл қўйилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика ҳудудларига ташрифлари яқунлари бўйича тасдиқланган баённомалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган мажлислар баённомалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириқлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти номига йўллаган мурожаатлари орқали келиб тушган топшириқлар, Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг Раёсати қарорлари, баённомалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири (кейинги ўринларда — Вазир) топшириқлари ҳамда Вазирлик раҳбарияти топшириқлари, юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатлар ҳамда вазирлик ва идоралардан келиб тушган ҳужжатларнинг ижроси таъминланмаслиги;

вазирлик фаолиятини ташкилий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминламаслик, марказий аппарат таркибий тузилмалари томонидан қонунчилик ҳужжатлари, вазирлик ҳайъатининг қарорлари, бошқа ички идоравий ҳужжатлар, раҳбарият топшириқларининг ижро этилиши назорат қилинмаслиги.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида ижро интизомини кучайтириш ва тартибга солиш, ходимлар фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар

асосида баҳолаш натижаларига кўра моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш.

II. Бюджет дастурининг мақсади, вазифалари, кутилаётган натижалари, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа оқибатлари.

Дастурнинг мақсади куйидагилардан иборат:

Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, тизимда бошқарувни самарали ташкил этиш, фаолият сифатини ва натижадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадларга эриши учун вазирлик олдида бир қанча **вазифаларни** қўйган.

Жумладан:

стратегик режалар ва методологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

фуқаролар мурожаатлари ва ҳужжатлар айланмаси билан ишлаш;

инсон ресурсларини бошқариш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

ахборот сиёсатини юритиш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш;

ҳалқаро ҳамкорлик ва расмий тадбирларни ташкил этиш;

давлат Бюджети маблағларини самарали режалаштириш, молиялаштириш ва ҳисобини юритиш ҳамда натижадорлигини баҳолаш;

ташкилий-ҳуқуқий фаолиятни мувофиқлаштириш ва комплаенс назорат;

ёшлар сиёсати, ижтимоий-маърифий ва тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш.

Юқоридаги вазифаларни бажариш натижасида вазирлик келгуси йилларда куйидаги **натижаларга** эришишни мақсад қилган:

бошқарувнинг шаффофлиги ва жавобгарлиги ошади. Фуқаролар мурожаатлари тизимли қайта ишланади, ахборот сиёсати кучаяди ҳамда очиқлик индекси (index.aca.uz) да вазирликнинг рейтинги янада яхшиланади, натижада фуқароларнинг ишончи ошади;

коррупсияга қарши назорат кучаяди, тизим ишончилиги ортади. Ички назорат ва ҳуқуқий механизмлар орқали коррупсияга қарши кураш рейтинги (e-anticor.uz) янада яхшиланади, натижада тизим ишончилиги ортади;

Бюджет самарадорлиги ошади яъни ресурслардан оқилона фойдаланиш ва назорат тадбирлари сони орқали исрофгарчилик камаяди;

рақамли технологиялар жорий этилиб, қарор қабул қилиш тезлашади. Натижада электрон ҳужжат айланиши ва киберхавфсизлик яхшиланиб, рақамли ривожланиш даражаси (nis.egov.uz) ошади;

Мақсадли индикаторлар: 2026–2028 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари **1-иловада** келтирилган.

III. Бюджет дастурининг қуйи дастур ва тадбирларининг тавсифи, шунингдек, уларни амалга ошириш муддатлари.

1-қуйи дастур: Раҳбарият ва умумий бошқарув.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бунда:

доимий равишда, ижро интизоми ҳолатини ўрганиб бориш;

хар чоракда, йиғма ҳисобот маълумотларни жамлаб бориш ва таҳлил қилиш;

доимий равишда, вазирликка оид халқаро фаолиятни ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш бўйича иш олиб бориш

доимий равишда, бўш иш ўринларидаги лавозимлардан келиб чиқиб, ички ва ташқи танловларни амалга ошириш;

хар ҳафтада, вазирлик марказий аппарати ва вазирликнинг ҳудудий ҳамда тизим ташкилотларидан мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиб олиш.

2-қуйи дастур. Вазир котибияти.

доимий равишда, “ijero.gov.uz” идоралараро ягона электрон тизимига топшириқлар ижроси тўғрисидаги асослантирилган, сифатли маълумотларни ўз вақтида киритилишини ва бажарилишини назорат қилиш;

хар чоракда, Асосий кўрсаткич маълумотларини жамлаб бориш ва таҳлил қилиш;

доимий равишда, келиб тушган мурожаатларни ўрганиш

доимий равишда, кирувчи, чиқувчи ва ички идоравий хат-ҳужжатларни (*корреспонденция*) рўйхатга олиш;

хар ҳафтада, амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда Раҳбариятга тақдим этиб бориш.

3-қуйи дастур: Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш.

хар ойда, вазирлик марказий аппарати ва вазирликнинг ҳудудий ҳамда тизим ташкилотларидан мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиб олиш.

доимий равишда, бўш иш ўринларидаги лавозимлардан келиб чиқиб, ички ва ташқи танловларни амалга ошириш;

4-қуйи дастур: Хўжалик ишларини юритиш.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бунда:

доимий равишда, бинолардаги, ёритиш, иситиш, сув ва электр таъминотини

назорат қилиш

доимий равишда, хизмат автомобиллари, жиҳозлар, мебеллар, техника воситаларидан тўғри фойдаланишни таъминлаш.

доимий равишда, моддий бойликлар ҳисобини юритиш – инвентар, асбоб-ускуналар, маиший жиҳозларни ҳисобга олиш, янгиларини харид қилиш.

доимий равишда, Тозалик ва ободонлаштириш – ҳудуд ва хоналарни тоза сақлаш, ободонлаштириш, коммунал хизматлар билан ишлаш.

доимий равишда, Хизмат кўрсатувчи ходимларни бошқариш – қоровул, фаррош, ҳайдовчи, ишчи-хизматчилар фаолиятини мувофиқлаштириш.

доимий равишда, хўжалик харажатлари – Бюджет ёки хўжалик маблағлари ҳисобидан таъминот харажатларини режалаштириш ва назорат қилиш.

5-қуйи дастур: Коррупсияга қарши курашиш ва комплаенс назорат.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бунда:

доимий равишда, коррупсия хавфи бўйича таҳлил ўтказиш ва раҳбариятга маълумот бериш.

доимий равишда, манфаатлар тўқнашуви ва коррупсия ҳолатларининг олдини олиш ҳамда шаффофликни таъминлаш учун ишлайдиган бўлим.

6-қуйи дастур: Ахборот хизмати.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бунда:

доимий равишда, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлари, расмий веб-сайтларида вазирлик фаолиятини ёритиб бориш;

доимий равишда, вазирликнинг барча бўлинмалари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

7-қуйи дастур: Юридик хизмат.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда:

назорат режалари ва топшириқларда **белгиланган муддатларда** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий хулосалар тақдим этиш.

8-қуйи дастур: Ички аудит хизмати.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бунда:

назорат режалари ва топшириқларда **белгиланган муддатларда** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, ҳуқуқий хулосалар тақдим этиш.

9-қуйи дастур: Биринчи бўлим.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда:

белгиланган муддатларда махсус ҳужжатларни юритилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш.

10-қуйи дастури: Халқаро алоқалар.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда:

доимий равишда, вазир бошчилигидаги халқаро тадбирларни юқори савияда ташкил қилиш, уларнинг ахборот ва протокол таъминотини амалга ошириш;

доимий равишда, вазирликка оид халқаро фаолиятни ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш бўйича иш олиб бориш.

11-қуйи дастур: Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда:

хар ойда, ходимларга ойлик иш ҳаққи ҳисоблаш.

белгиланган муддатларда, Ўзбекистон “Ёшлик” Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ходимларини иш ҳақи миқдорларини ошириш

12-қуйи дастур: Стратегик ривожлантириш, халқаро рейтинглар ва жаҳон савдо ташкилоти масалалари билан ишлаш.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда:

белгиланган муддатларда халқаро рейтинглар ва жаҳон савдо ташкилоти масалалари билан ишлаш.

13-қуйи дастур: Маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар ва мактабдан ташқари таълим.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда:

доимий равишда, Мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш ишларини амалга ошириш.

доимий равишда, Инклюзив таълим ва меҳрли мактаб фаолиятини мувофиқлаштириш.

доимий равишда, Экологик дипломатия ишларини ташкил этиш.

белгиланган муддатларда, Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар ишлаб чиқиш ва оммалаштиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

14-қуйи дастур: Педагогик маҳорат марказлари мавжуд биносини

мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бунда:

белгиланган муддатларда, биноларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини назорат қилиш.

белгиланган муддатларда, мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларида қўл ювиш жойларини зарур санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш ҳамда санитария-гигиена хоналарининг техник ҳолатини яхшилаш.

IV. Ресурсларга бўлган талабларнинг батафсил ҳисоб-китоби ва Бюджет дастурини молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари бўйича таклиф этилаётган дастур тадбирларининг рўйхати ва тавсифи.

Ушбу Бюджет дастурини амалга ошириш ва унинг мақсадли индикаторларини ижросини таъминлаш учун бевосита ва билвосита Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг:

Раҳбарият ва умумий бошқарув;

Вазир котибияти ;

Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш;

Хўжалик ишларини юритиш;

Коррупсияга қарши курашиш ва комплаенс назорат;

Ахборот хизмати;

Юридик хизмат;

Ички аудит хизмати;

Биринчи бўлим;

Халқаро алоқалар;

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот;

Стратегик ривожлантириш, халқаро рейтинглар ва жаҳон савдо ташкилоти масалалари билан ишлаш;

Маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар ва мактабдан ташқари таълим бошқармаси

Ушбу Бюджет дастури учун **республика** Бюджетидан:

2026-йил – 1 732,6 млрд сўм;

2027-йил – 1 905,9 млрд сўм;

2028-йил – 2 096,5 млрд сўм ажратилади.

Ушбу дастур учун сарфланадиган маблағлар асосан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда департаментларни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар кўзда тутилган. Бюджет дастурини билвосита амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар миқдори гуруҳлар бўйича тақсимооти **3-иловага** мувофиқ илова қилинади.

V. Бюджет дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

Бюджет дастурининг ижроси бўйича ҳар бир бўлимнинг вазифалари белгиланган. Бюджет дастурини молиялаштириш учун ҳар ойнинг **27-санасига** қадар масъул бўлимлар томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ҳар ойлик табелларини (кадрлар) ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимига тақдим этади. Масъул бўлимлар сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун товар моддий бойликларга (канцелярия ва бошқаларга) талабномани ҳар ойнинг **20-санасига** қадар Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимига тақдим этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва барқарор ривожланиш мақсадлари асосида соҳани ривожлантириш бўйича ўрта муддатли стратегиялар ва Бюджет дастурларининг дастлабки лойиҳаси ҳар йили **1-майга қадар** ва якуний лойиҳаси **1-августга қадар** ишлаб чиқилиб Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади.

Шу билан бирга, Бюджет дастури билан тасдиқланган якуний ва бевосита мақсадли индикаторлар ижроси доимий мониторинг қилинади, шунингдек, уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар шакллантириб **ҳар чорак якуни** билан кейинги ойнинг **10-санасига** қадар умумлаштириш учун дастури администраторига тақдим этилади. Бюджет дастури ижроси бўйича ҳисобот администратор томонидан умумлаштирилади ва белгиланган тартибда ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг **13-санасига** қадар Бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлимига тақдим этади. Ушбу бўлим Бюджет дастури билан тасдиқланган якуний ва бевосита мақсадли индикаторлар ижросини баҳолаш учун ички аудит хизматига тақдим этади.

Вазирлик Бюджет дастурларининг ижроси бўйича ҳисоботлари вазирликнинг ички аудит хизмати томонидан чораклик ва йиллик шаклда баҳоланади. Чораклик жамланма ҳисобот ҳисобот чораги якуни билан кейинги ойнинг **20-санасига** қадар, йиллик баҳолаш ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **20-февралига** қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги эса ҳисоботларни Давлат Бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот билан биргаликда Бюджет қонунчилигида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Бюджет дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси **4-иловага** мувофиқ тасдиқланади.

VI. Бюджет дастурини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ташқи омилларни тавсифлаш.

Дастурни амалга оширишга қуйидаги омиллар таъсир қилиши мумкин:

Ижро интизоми билан боғлиқ белгиланган вазифаларни амалга оширишда ахборот тизимларида кузатиладиган режасиз узилишлар (мисол учун: edo.ijro.uz тизими);

ходимларнинг касаллик, таътил, оилавий шароитлар ёки бошқа шахсий сабаблар туфайли ишдан вақтинча четлашиши;

ҳукумат ёки парламент томонидан янги қонунлар, фармонлар ёки қарорлар қабул қилиниши, мавжуд ҳуқуқий нормаларнинг бекор қилиниши ёки уларнинг тубдан ўзгартирилиши. Масалан, таълим соҳасидаги янги қонун ёки Бюджет қоидаларини ўзгартириш;

вазирлик ходимлари иш фаолиятларини тўлиқ олиб боришлари учун тўсқинлик қилувчи фавқулодда ҳолатларнинг содир бўлиши;

глобал иқтисодий инқироз, халқаро санкциялар, ёки бошқа ресурслар нархининг ўзгариши сабабли инфляция, миллий валюта курсининг ўзгариши, Бюджет маблағлари қисқариши ёки молиялаштириш манбаларининг камайиши;

ички аудит объектида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган бўлса, ушбу объектида ички аудит тадбири ўтказилмаслиги;

ҳукуматнинг режа даврида кўзда тутилмаган янги устувор ишларни амалга ошириш бўйича қарорлари;

давлат ёки халқаро ахборот тизимларидаги техник носозликлар, хакерлик ҳужумлари ёки интернет/алоқа тармоқларининг узилиши;

ташқи геосиёсий ноаниқ ҳолатларнинг вужудга келиши ва ташқи сиёсатда кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар;

маълум бир касалликнинг тарқалиши натижасида пандемия ҳолати вужудга келиши.

Юқоридаги омиллар юзага келган тақдирда дастурни кейинги даврларда янада такомиллаштириш, белгиланган кўрсаткичлар бажарилмаслиги муносабати билан дастур қайта кўриб чиқилиши мумкин.

1. МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ ДАСТУРИ

мақсадли индикаторларнинг прогноз кўрсаткичлари

Т/р	Мақсадли индикаторлар	Мақсадли индикаторлар номи	Кўрсаткич тавсифи				Ўрта муҳдатли прогноз			Бошланғич маълумотлар манбалари	Маълумотларни йиғиш ва узатиш даврийлиги
			Таърифи	Ҳисоблаш усули (формула)	Ижрочи	Ўлчов бирлиги	2026	2027	2028		
1	Якуний натижа кўрсаткичи	Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича рейтинг тизимида вазирликнинг кўрсаткичи	Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳолаш натижалари	Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш	Коррупцияга қарши курашиш бўлими	балл	81 балдан юқори	81 балдан юқори	81 балдан юқори	www.edy.uz	йиллик
			Э-антисор.уз	(Э-антисор.уз) тизимида вазирликнинг рейтинг балл натижалари						E-anticor.uz	
2	Якуний натижа кўрсаткичи	Рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳолаш тизимида (нис.эгов.уз) вазирлик кўрсаткичи	рақамли ривожланиш даражасини рейтинг баҳолаш тизимида (нис.эгов.уз) вазирлик кўрсаткичи	(нис.эгов.уз) тизимида вазирликнинг рейтинг балл натижалари	АКТ ривожлантириш бошқармаси	балл	85	85	85		йиллик
3	Бевосита натижа кўрсаткичи	Очиқлик индексида (индекс.аса.уз) вазирликнинг кўрсаткичи.	очиқлик индексида (индекс.аса.уз) вазирликнинг кўрсаткичи.	(индекс.аса.уз) тизимида вазирликнинг рейтинг балл натижалари	АКТ ривожлантириш бошқармаси	балл	82,0	82,5	83,0		йиллик
4	Бевосита натижа кўрсаткичи	Ички аудит йиллик режасига киритилган ички аудит тадбирларини бажарилиш кўрсаткичи	Ички аудит йиллик режасига киритилган ички аудит тадбирларини бажарилиш кўрсаткичи	Ички аудит объектида ички аудит тадбири ўтказилиши	Ички аудит департаменти	сон	65%	60%	60%	davlataudit.uz	йиллик

**Маъмурий бошқарув дастурининг ижроси бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	1. Бюджет дастурини молиялаштириш			
1.	Бюджет дастури ижросига масъул бўлим, бошқарма ва департаментларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларини молиялаштириш.	Тасдиқланган штат бирликлари доирасида ҳар ойлик табелларини Молия-иқтисод бошқармасига тақдим этиш.	Ҳар ойнинг 28 санасига қадар	Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси (И.Шарипов), Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Ф.Жамуратова)
2.	Бюджет дастури ижросига масъул бўлим, бошқарма ва департаментларнинг сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлари.	4-гурӯҳ харажатлари бўйича талабномаларни Молия-иқтисод бошқармасига тақдим этиш.	Ҳар ойнинг 27 санасига қадар	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Ф.Жамуратова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
2. Бюджет дастурининг ижросини таъминлаш ва мониторинг қилиш				
3.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ўрта муддатли давр учун Бюджет дастурларининг дастлабки рўйхатини ва ҳисоб-китоблари, шунингдек, уларнинг якуний лойиҳасини ишлаб чиқиш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари, шунингдек, давлат дастурлари ва барқарор ривожлантириш мақсадлари асосида ўрта муддатли давр учун Бюджет дастурларининг дастлабки рўйхатини ва ҳисоб-китобларини Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш; Ўрта муддатли давр учун Бюджет дастурларининг лойиҳасини ишлаб чиқиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этиш	Ҳар йили 1 майга қадар Ҳар йили 1 августга қадар	Бюджет дастурларини шакллантириш мониторинг қилиш уларнинг ижросини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил бўлими <i>(С.Обидов)</i>
4.	Бюджет дастурларини ижросини таъминлаш, мониторингини юритиш	Бюджет дастурларини ижросини таъминлаш, мониторингини юритиш, ўз вақтида ҳисоботларни тузиш, тадбирлар учун ажратилган маблағларнинг ўз вақтида самарали ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш	доимий	Бюджет дастурларини шакллантириш мониторинг қилиш уларнинг ижросини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил бўлими <i>(С.Обидов),</i> Молия иқтисод департаменти <i>(А.Болтаев)</i>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
				Ички аудит департаменти (О.Ҳошимов)
5.	Бюджет администратори томонидан ҳисобот шакллантириш	Мазкур Бюджет дастурларининг ижросини (мақсадли индикатор ва ўзлаштирилган маблағлар, асослантирувчи ҳужжатлар билан) бўйича жамланма ҳисобот шакллантириш	Ҳар чорак якуни билан	Бюджет дастурларини шакллантириш мониторинг қилиш уларнинг ижросини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил бўлими (С.Обидов)
6.	Бюджет дастури ижроси тўғрисида ҳисоботларни шакллантириш	Давлат Бюджети ижроси тўғрисида ҳисоботларни умумлаштириш Вазирлар Маҳкамасига ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш ва ҳимоя қилишни ташкил этиш	Ҳар чорак якуни билан	Бюджет дастурларини шакллантириш мониторинг қилиш уларнинг ижросини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил бўлими (С.Обидов), Молия иқтисод департаменти (А.Болтаев)
7.	Тизим ташкилотларининг Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш	Тизим ташкилотларининг Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш учун улар томонидан сертификатга эга аудиторларни хатловдан ўтказиш ва тегишли маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига киритиш	Ҳар йили 30 сентябрга қадар	Ички аудит департаменти (О.Ҳошимов)
	Ҳисоботни умумлаштириш ва Ички аудит бошқармасига кириш	Молия иқтисод департаменти, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи	Ҳар чорак якуни бўйича	Бюджет дастурларини шакллантириш мониторинг

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
		бошқармаси ҳар бир Бюджет дастур администраторларидан олинган маълумотлар асосида вазирлик барча Бюджет дастурининг ижросиси бўйича жамланма ҳисоботни шакллантириб ҳамда баҳолаш учун Ички аудит департаментига киритиб боради		қилиш уларнинг ижросини мувофиқлаштириш ва ахборот-таҳлил бўлими (С.Обидов), Ҳар бир таркибий бўлинмалар
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларидаги (Фармон, қарор, фармойиш ҳамда давлат раҳбари ҳузуридаги ўтказилган мажлислар ва ҳудудларга ташрифлар якунлари бўйича тасдиқланган баёнлар) топшириқлар ижроси тўғрисидаги асослантирилган, сифатли маълумотларни ўз вақтида “Ижро.гов.уз” идоралараро ягона электрон тизимига киритилишини ва бажарилишини назорат қилиш	Ижро.гов.уз” идоралараро ягона электрон тизимига топшириқлар ижроси тўғрисидаги асослантирилган, сифатли маълумотларни ўз вақтида киритилишини ва бажарилишини назорат қилиш	доимий	Ижро интизоми бўлими (Ш.Нормуродов)
	Кириш ва ички хат-ҳужжатларни рўйхатга олиш ва уларнинг манзилларига электрон тарзда етказилишини назорат қилиш	Кирувчи, чикувчи ва ички идоравий хат-ҳужжатларни рўйхатга олиш; Уларни манзилларига электрон тарзда ва эдо.ижро.уз тизимида етказилишини назоратга олиш	доимий	Девонхона (Д.Исхақова)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъул ижрочилар
	Кадрлар билан ишлаш, уларни танлов асосида танлаш билан боғлиқ ишларни самарали шакллари ва услубларини жорий этиш	Бўш иш ўринларидаги лавозимлардан келиб чиқиб ички ва ташқи танловларни амалга ошириш	доимий	Инсон ресурсларини ривожлантириш бошқармаси (И.Шарипов)

Изоҳ; Администратор ва ижрочилар бошқа ишга ўтган тақдирда, вазифаларни ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар томонидан бажарилади.



MAKTABGACHA
VA MAKTAB
TA'LIMI VAZIRLIGI

Ўзбекистон Республикаси
мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг
Мактабгача таълимда қамров даражасини ошириш
ва ҳар бир бола учун тенг имконият яратиш дастури

2025-йил

1.	Бюджет дастури паспорти	1-6
2.	Бюджет дастури орқали ҳал қилинадиган муаммолар тавсифи	7
3.	Бюджет дастурининг мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижалари	7
4.	Бюджет дастурининг қуйи дастур ва тадбирларининг тавсифи, шунингдек, уларни амалга ошириш муддатлари	8
5.	Ресурсларга бўлган талабларнинг батафсил ҳисоб-китоби ва бюджет дастурини молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини таъминлаш учун таклиф этилаётган дастур тадбирларининг рўйхати ва тавсифи	9
6.	Бюджет дастури ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси	9
7.	Бюджет дастурини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ташқи омилларни тавсифлаш	10-11

**Мактабгача таълимда қамров даражасини ошириш
ва ҳар бир бола учун тенг имконият яратиш дастури
ПАСПОРТИ**

Маблағ тақсимловчи орган номи:	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	Масъул шахс (администратор)	Ш.А.Каримов
Бюджет дастурини тасдиқловчи раҳбар:	Э.Г.Каримова	Ижрочилар:	Л.Бердиева, Ҳ.Ўринов, З.Усанов
Тасдиқлаш санаси:	— — 2026- йил	Асос:	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04.2019 йилдаги ПФ-5712-сон Фармони. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023-йилдаги ПФ-158-сон Фармони. 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.09.2024-йилдаги ПФ-152-сон Фармони.

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
1.	Дастур номи	Мактабгача таълимда қамров даражасини ошириш ва ҳар бир бола учун тенг имконият яратиш дастури.
2.	Дастур мақсади ва вазифалари.	Дастурнинг мақсади: Мактабгача таълим ташкилотларига болаларни кенгроқ қамраб олиш, уларнинг ривожланиши учун тенг имкониятлар яратиш, хусусан, узоқ ва олис ҳудудлардаги оилаларнинг мактабгача таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш. Дастурнинг вазифалари: • Янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш; • Олис ва чекка ҳудудлардаги болаларни мактабгача таълимга жалб

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
		этиш мақсадида мактабгача таълимнинг муқобил шакллари жорий этиш; • Давлат мактабгача таълим ташкилотларини дидактик материаллар ва ўқув-методик қўлланмалар тўплами билан таъминлаш; • Хусусий секторга яратилган шароитлардан кенг фойдаланган ҳолда нодавлат боғчалар сонини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш.
3.	Дастур муддати.	2026–2028-йй.
4.	Қуйи дастурлар ва/ёки тадбирлар номи	Қуйи дастур ва тадбирлар номи: 1-қуйи дастур. Хусусий секторга яратилган шароитлардан кенг фойдаланган ҳолда қамров даражасини ошириш: 1.1-тадбир. Хусусий тадбиркорларни давлат билан ҳамкорликка жалб этиш, улар учун қулай шарт-шароит яратиш. 2-қуйи дастур. Мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш. 2.1-тадбир. Давлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик қўлланма ва дидактик материаллар билан таъминлаш. 2.2-тадбир. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик қўлланма ва дидактик материаллар билан таъминлаш. 2.3-тадбир. Давлат мактабгача таълим ташкилотларини интерактив доска ва планшетлар билан таъминлаш. 2.4-тадбир. Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар ажратиш. 2.5-тадбир. Шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали ходимлар ва тарбияланувчилар давоматини юритиш йўлга қўйиш. 3-қуйи дастур. Мактабгача таълим

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
		ташкilotларига ойлик иш ҳаққи ҳисоблаш. 3.1-тадбир. МТТлардаги раҳбар ҳамда бошқарув ходимлари учун иш ҳаққи ҳисоблаш. 3.2-тадбир. Тарбиячилар учун иш ҳаққи ҳисоблаш. 3.3-тадбир. Илк ривожланиш марказини ташкил этиш. 4-қўйи дастур. Инвестиция дастури доирасида мактабгача таълим ташкilotларини ривожлантириш. 1-тадбир. Мактабгача таълим ташкilotларида қурилиш ишларини ташкил қилиш.
5.	Дастурнинг якуний ва бевосита мақсадли кўрсаткичлари.	Якуний натижа кўрсаткичи: • 3-7 ёшдаги болаларни нодавлат мактабгача таълим ташкilotларига қамраб олиш; • мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўқув дастурларининг ўзаро узвийлиги ва мувофиқлигини таъминлаш (дидактик материаллар ва ўқув-методик қўлланмалар тўплами). Бевосита натижа кўрсаткичи: Мактабгача таълим ташкilotларини етказиб берилган Дидактик материялар сони; Нодавлат мактабгача таълим ташкilotлари сони; Нодавлат мактабгача таълим ташкilotларига қамраб олинadиган 3-7 ёшдаги болалар сони; Дидактик материаллар ва ўқув-методик қўлланмалар тўплами билан таъминладиган давлат мактабгача таълим ташкilotлари; Дидактик материаллар ва ўқув-методик қўлланмалар тўплами билан таъминладиган нодавлат мактабгача таълим ташкilotлари.
6.	Дастурни амалга оширишга	Дастурни амалга оширишга

Т/р	Кўрсаткич	Таърифи
	тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ташқи омиллар.	қуйидаги омиллар таъсир қилиши мумкин: • хусусий сектор томонидан кўрсатилаётган мактабгача таълим хизматларига берилган имтиёзларнинг қисқартирилиши – айниқса, қишлоқ ва олис ҳудудларда фаолият олиб бораётган оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари учун ажратиладиган субсидия миқдорини камайтириш; • Малакали кадрлар танқислиги – рақамли тизимлар билан ишлай оладиган ва замонавий методикани биладиган педагог ва техник ходимларнинг етишмаслиги; • ҳукуматнинг режа даврида кўзда тутилмаган янги устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича қарорларининг қабул қилиниши; • давлат бюджетининг тақчиллиги; • ташқи геосиёсий ноаниқ ҳолатларнинг вужудга келиши ва ташқи сиёсатда кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар.
7.	Келгуси 3 йил давомидаги дастур бюджети.	Келгуси 2026–2028-йй. 2026-йил – 18 587 450,5 млн сўм; 2027-йил – 20 446 195,5 млн сўм; 2028-йил – 22 490 815,1 млн сўм.
8.	Молиялаштириш манбаи ва суммаси (3 йиллик).	Молиялаштириш манбалари: ЖАМИ: 61 524 461,1 млн сўм

БЮДЖЕТ ДАСТУРИНИНГ ТАВСИФИ

I. Бюджет дастурлари орқали ҳал қилинадиган муаммолар тавсифи

Ўзбекистонда бу соҳага давлат миқёсида эътибор қаратилиб, мактабгача қамров даражасини ошириш ҳар бир бола учун тенг имкониятлар яратиш бўйича қатор чоратadbирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан:

2023-йил 11-сентябрда қабул қилинган “�збекистон – 2030” стратегияси тўғрисида Президент фармони (ПФ–158-сон) да Болаларни мактабга тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш бўйича 2030-йилгача мақсадлар белгиланган.

болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш;
давлат мактабгача таълим ташкилотларини компьютер синфи билан таъминлаш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлиги кўникмаларини шакллантириш;

мактабгача таълим ташкилотларини тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш.

II. Бюджет дастурининг мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижалари, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа оқибатлари.

Дастурнинг **мақсади** қуйидагилардан иборат:

Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, тизимда бошқарувни самарали ташкил этиш, фаолият сифатини ва натижадорлигини ошириш ҳисобланади.

Ушбу мақсадларга эриши учун вазирлик олдида бир қанча **вазифаларни** қўйган.

Жумладан:

хусусий тадбиркорларни давлат билан ҳамкорликка жалб этиш, улар учун қулай шарт-шароит яратиш;

мактабгача таълим ташкилотларидаги раҳбар ҳамда бошқарув ходимлари учун иш ҳаққи ҳисоблаш;

мактабгача таълим ташкилотларидаги тарбиячилар учун иш ҳаққи ҳисоблаш;
шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали ходимлар ва тарбияланувчилар давоматини юритишни йўлга қўйиш.

Юқоридаги вазифаларни бажариш натижасида вазирлик келгуси йилларда қуйидаги **натижаларга** эришишни мақсад қилган:

Мақсадли индикаторлар: 2026–2028 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари **1-илова**да келтирилган.

III. Бюджет дастурининг қуйи дастур ва тадбирларининг тавсифи, шунингдек, уларни амалга ошириш муддатлари.

1-қуйи дастур: Хусусий секторга яратилган шароитлардан кенг фойдаланган ҳолда қамров даражасини ошириш.

Ушбу қуйи дастурни амалга ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

Бунда:

доимий равишда, хусусий тадбиркорларни давлат билан ҳамкорликка жалб этиб бориш ишларини ташкил этиш;

2-қуйи дастур: Мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш.

белгиланган муддатларда, давлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик қўлланма ва дидактик материаллар билан таъминлаш ишларини амалга ошириш;

белгиланган муддатларда, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ўқув-методик қўлланма ва дидактик материаллар билан таъминлаш ишларини амалга ошириш;

белгиланган муддатларда, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар ажратишни амалга ошириш ишларини ташкил этиш;

белгиланган муддатларда, шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали ходимлар ва тарбияланувчилар давоматини юритишни ишларини амалга оширишни йўлга қўйиш.

3-қуйи дастур: Мактабгача таълим ташкилотларига ойлик иш ҳаққи ҳисоблаш.

доимий равишда, мактабгача таълим ташкилотлардаги раҳбар ҳамда бошқарув ходимлари учун иш ҳаққи ҳисоблаш;

доимий равишда, мактабгача таълим ташкилотлардаги тарбиячилар учун иш ҳаққи ҳисоблаш;

белгиланган муддатларда, илк ривожланиш марказини ташкил этиш ишларини амалга ошириш ишларини ташкил этиш.

4-қуйи дастур: Инвестиция дастури доирасида мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш.

белгиланган муддатларда, Мактабгача таълим ташкилотларида қурилиш ишларини ташкил қилиш ишларини мониторинг қилиш.

IV. Ресурсларга бўлган талабларнинг батафсил ҳисоб-китоби ва Бюджет дастурини молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари бўйича таклиф этилаётган дастур тадбирларининг рўйхати ва тавсифи.

Ушбу бюджет дастурини амалга ошириш ва унинг мақсадли индикаторларини ижросини таъминлаш учун бевосита ва билвосита Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг:

хусусий секторга яратилган шароитлардан кенг фойдаланган ҳолда қамров даражасини ошириш;

мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш;

мактабгача таълим ташкилотларига ойлик иш ҳаққи ҳисоблаш;

инвестиция дастури доирасида мактабгача таълим ташкилотларини ривожлантириш.

Ушбу бюджет дастури учун **республика** бюджетидан:

2026-йил – 18,6 трл сўм;

2027-йил – 20,5 трл сўм;

2028-йил – 22,5 трл сўм ажратилади.

Ушбу дастур учун сарфланадиган маблағлар асосан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда департаментларни сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар кўзда тутилган.

Бюджет дастури билвосита амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар миқдори гуруҳлар бўйича тақсимооти **3-иловага** мувофиқ илова қилинади.

V. Бюджет дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

Бюджет дастурининг ижроси бўйича ҳар бир бўлимнинг вазифалари белгиланган. Бюджет дастури молиялаштириш учун ҳар ойнинг **27-санасига** қадар масъул бўлимлар томонидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш учун ҳар ойлик табелларини (кадрлар) Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимига тақдим этади. Масъул бўлимлар сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун товар моддий бойликларга (канцелярия ва бошқаларга) талабномани ҳар ойнинг **20-санасига** қадар Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимига тақдим этади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва барқарор ривожланиш мақсадлари асосида соҳани ривожлантириш бўйича ўрта муддатли стратегиялар ва бюджет дастурларининг дастлабки лойиҳаси ҳар йили **1-майга қадар** ва якуний лойиҳаси **1-августга қадар** ишлаб чиқилиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади.

Шу билан бирга, бюджет дастури билан тасдиқланган якуний ва бевосита

мақсадли индикаторлар ижроси доимий мониторинг қилинади, шунингдек, уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар шакллантириб **ҳар чорак якуни** билан кейинги ойнинг **10-санасига** қадар умумлаштириш учун дастури администраторига тақдим этилади. Бюджет дастурини ижроси бўйича ҳисобот администратор томонидан умумлаштирилади ва белгиланган тартибда ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг **13-санасига** қадар бюджет дастурларини шакллантириш, мониторинг қилиш ва уларнинг ижросини мувофиқлаштириш бўлимига тақдим этади. Ушбу бўлим бюджет дастури билан тасдиқланган якуний ва бевосита мақсадли индикаторлар ижросини баҳолаш учун ички аудит хизматига тақдим этади.

Вазирлик бюджет дастурларининг ижроси бўйича ҳисоботлари вазирликнинг ички аудит хизмати томонидан чораклик ва йиллик шаклда баҳоланади. Чораклик жамланма ҳисобот ҳисобот чораги якуни билан кейинги ойнинг **20-санасига** қадар, йиллик баҳолаш ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **20-февралига** қадар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги эса ҳисоботларни Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот билан биргаликда бюджет қонунчилигида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Бюджет дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чоратadbирлар режаси **4-илова**га мувофиқ тасдиқланади.

VI. Бюджет дастурини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ташқи омилларни тавсифлаш.

Дастурни амалга оширишга қуйидаги омиллар таъсир қилиши мумкин:

ходимларнинг касаллик, таътил, оилавий шароитлар ёки бошқа шахсий сабаблар туфайли ишдан вақтинча четлашиши;

ҳукумат ёки парламент томонидан янги қонунлар, фармонлар ёки қарорлар қабул қилиниши, мавжуд ҳуқуқий нормаларнинг бекор қилиниши ёки уларнинг тубдан ўзгартирилиши. Масалан, таълим соҳасидаги янги қонун ёки бюджет қоидаларини ўзгартириш;

вазирлик ходимлари иш фаолиятларини тўлиқ олиб боришлари учун тўсқинлик қилувчи фавқулодда ҳолатларнинг содир бўлиши;

глобал иқтисодий инқироз, халқаро санкциялар, ёки бошқа ресурслар нархининг ўзгариши сабабли инфляция, миллий валюта курсининг ўзгариши, бюджет маблағлари қисқариши ёки молиялаштириш манбаларининг камайиши;

